

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**214** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
хузурида Республика ўқувчи-ёшлар марказини таш-
кил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги ПҚ–2133-сон қарори билан тасдиқланган «Соғлом бола йили» Давлат дас-турининг 83-бандини бажариш юзасидан ҳамда ўқувчи-ёшларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, уларга ватанпарварлик туйғуларини ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини сингдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Андижон вилоятининг Андижон туманидаги Хортум кишлоқ фуқаролар йиғини, Камолот кўчасида барпо этилаётган ўқув, маданият, спорт ва турар жой масканлари негизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика ўқувчи-ёшлар маркази (кейинги ўринларда «Марказ» деб аталади) ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

республика умумтаълим мактаблари ўқувчилари, жумладан, ижтимоий химояга муҳтож оила фарзандлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таътиллар даврида ўз билимларини янада оширишга кўмаклашиш, уларнинг мазмунли дам олиши ва соғлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчиларда ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, ахборот маконидаги турли таҳдидларга нисбатан соғлом иммунитетни шакллантириш;

болаларнинг мустақил ҳаётий позицияга эга бўлишини таъминлашга йўналтирилган маданий, маънавий-маърифий тадбирлар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш;

ўқув йили давомида Марказга яқин атрофда жойлашган умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун кизиқишларига кўра тўгараклар ташкил этиш ва бошланғич касб-ҳунар сирларини ўргатиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

бир ой муддатда Марказ тўғрисидаги низомни тасдиқласин ҳамда Марказнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Марказга таътиллар даврида ўқувчиларни қабул қилиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Марказнинг штатлар жадвалини тасдиқласин. Бунда штатларни сақлаш харажатларининг

тегишли бинолар ҳажмига ва фойдаланишга топшириш муддатларига мутаносиб равишда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин;

таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш мақсадида Марказни малакали мутахассислар ва зарур ўқув-услубий адабиётлар билан таъминласин.

3. Андижон вилояти ҳокимлиги юқорида кўрсатилган ўқув, маданият, спорт ва турар жой бинолари қурилишини қисқа муддатларда тугатиш ҳамда уларни тезкор бошқариш ҳуқуқи билан Марказга бериш чора-тадбирларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети параметрларида «Таълим» соҳасига ажратиладиган маблағлар доирасида:

2014 йилда Марказни сақлаш ва унга республиканинг бошқа ҳудудларидан келадиган ўқувчиларнинг йўл харажатларини молиялаштириш учун зарур бўладиган маблағларни ажратсин, 2015 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида уларни назарда тутсин;

Халқ таълими вазирлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган, асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Марказни тегишли асбоб-ускуна ва жиҳозлар, шунингдек битта «Isuzu» русумли автобус ҳамда битта «Damas» русумли енгил автомобиль билан босқичма-босқич таъминлаш учун зарур маблағларни молиялаштиришни амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 мартдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппаратининг тузилмасида «Мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар рўйхати» бўлимига «А.П. Хлебушкина номидаги 22-сон «Меҳрибонлик уйи» қаторидан кейин қўйидаги мазмундаги қатор қўшилсин:

«Республика ўқувчи-ёшлар маркази».

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.И. Икромов ва Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 5 май,
115-сон